

И. С. Байджанов

Меъторлар

масъалани



Ибадулла Байджанов

**Меъморлар маскани. Китоб билим
юрти ташкил этилганлигининг
30 йиллигига боғишланади**

«Издательские решения»

Байджанов И. С.

Меъморлар маскани. Китоб билим юрти ташкил этилганлигининг 30 йиллигига боғишланади / И. С. Байджанов — «Издательские решения»,

ISBN 978-5-44-832868-8

Ушбу китоб муаллифи меъморчилик фанлари номзоди И. С. Байджанов ўзи раҳбарлик қилаётган Урганч қурилиш колледжи ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Китоб билим юрти ташкил этилганлигининг 30 йиллигига боғишланади.

ISBN 978-5-44-832868-8

© Байджанов И. С.
© Издательские решения

Содержание

Сўз боши	6
Хоразм бунёдкорлар эли	7
Конец ознакомительного фрагмента.	8

**Меъморлар маскани
Китоб билим юрти
ташкил этилганлигининг
30 йиллигига боғишланади
Ибадулла Самандарович Байджанов**

© Ибадулла Самандарович Байджанов, 2016

© Рустам Ибадуллаевич Самандаров, фотографии, 2016

Редактор Болтабой Бекматов

Корректор Қудрат Бобожон

Корректор Равшан Ўразалиев

Корректор Муҳаббат Хўжамуратова

ISBN 978-5-4483-2868-8

Создано в интеллектуальной издательской системе Ridero



Сўз боши

Қўхна ва ҳамиша навқирон Хоразм воҳаси бўйлаб кезар экансиз, ёхуд унинг билан яқиндан танишар экансиз, меъмор бу қадим ўлкада ниҳоят ардоқли ва қадрли касб эгаси эканлигига гувоҳ бўласиз. Бир-биридан муҳташам бинолар, саройлар, қасрлар бунёд этиш меъморлар, қурувчилар ақли-заковати, билими, маҳоратига боғлиқ эканлигини пайқаб оласиз. Биргина Хива обидаларига назар ташлаганингиздаёқ, меъморчилик воҳа ҳунармандчилигининг гултожи эканлигига иқрор бўласиз. Кейинги даврлар мабойнида қад ростлаган қатор замонавий иншоотларда ҳам ота-боболаримизнинг ана шу нодир касбга садоқат ва мухаббати мужассам эканлиги намоён бўлиб турибди.

Ушбу китобда Хоразмда меъморлар, қурувчи кадрлар тайёрлашдек улуғ вазифани шараф билан адо этиб келаётган Урганч қурилиш колледжи тарихи, унинг жўшқин ва қайноқ фаолияти ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади. Қўплаб ёш мутахассисларни мустақил ҳаётга йўллаётган билим юрти жамоасининг ибратли ишлари китобда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Рисолада меъмор масъулияти, қурувчи қадри ҳақида фикр юритилади. Чуқур мулоҳаза ва мунозарага, баҳсга чорлайдиган ўринлар ҳам мавжудки, бу рисола мундаражасини бойитишга хизмат қилган.

Китоб муаллифи ҳақида икки оғиз сўз:

Ибадулла Байджанов – Хоразмнинг иқтидорли меъмори. Ўз соҳасининг билимдони. Хоразм тарихида биринчи бўлиб меъморчилик фанлари номзоди унвонига сазовор бўлган. Республикада кўзга кўринган мутахассис архитектор. Изланувчан, истеъдодли олим. Ташкилотчи раҳбар. Ундаги бу фазилатлар 15 йилдан ортиқроқ Урганч шаҳар бош архитектори вазифасида ишлаб, шаҳар бош режасининг тараққий қилишида воҳа марказининг чиройли ва кўркем ҳолда шаклланишида намоён бўлди. Хусусан аэропорт, темирйўл вокзали, марказий универмаг, қатор микрорайонлар, маданий маиший бинолар бунёд қилинишида И.С.Байджановнинг хиссаси катта. 1988 йилда Урганч қурилиш техникумига директор қилиб тайинланганидан кейин ҳам жўшқин ва самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шахсан И. С. Байджановнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуси остида техникум колледжга айлантирилди. «Архитектура», «Халқ хўжалигини ривожлантириш ва иқтисод», «Қурилишни кўкаламзорлаштириш каби мутахассисликлар бўйича янги бўлимлар очилди. Колледжнинг янги ўқув биноси қад ростладию Боғ гулзорлар яратилди.

Колледжга мана шундай иқтидорли, элим деб, юртим деб ёниб яшашга қодир инсоннинг раҳбарлик қилаётгани ва ўз жамоасида аҳиллик, уюшқоқлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик муҳитини шакллантираётгани қувончлидир. Билим юртининг ўттиз йиллик юбилей айёмида мен бу аҳил жамоага мустақил республикамизнинг янада гуллаб яшнашига, тобора мустаҳкамлана боришига қўшадиган хиссаларингиз ошаверсин деймиз!

Воҳамиз, хур диёримиз кўрки таровати Сизларнинг шарафли меҳнатингизу ижодингизга боғлиқ! Тўйингиз муборак бўлсин!

Р.М.Ахмедов

*Хоразм вилояти бош маъмури Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган архитектор*

Хоразм бунёдкорлар эли

Халқимизнинг ажойиб удумлари бор. Яхши кунларда, тўй-томошаларда бир-бирларини чин дилдан қутлайдилар. Кўнгилдаги эзгу ниятларини изҳор қилиб, аввало эл-юртга тинчлик, омонлик, фаровонлик, дастурхонларга қут-барака тилайдилар. Албатта, бундай самимий қутловлар бирон-бир катта иншоот, замонавий бинолар қурилиб фойдаланишга топширилганида ёхуд ҳовли тўйларида ҳам тез-тез қулоққа чалиниб туради. Ана шундай лаҳзаларда қурувчилик, меъморлик касби ниҳоятда фахрли ва шарафли касб эканлигидан қувонаман. Бутун вужудимни ифтихор туйғулари чулғайди. Элдошларимнинг яшашлари, ўқиш, дам олиш, меҳнат қилиш учун хизмат қиладиган қанчадан-қанча бинолар қурилишида иштирок этдим. Уларни фойдаланишга топшириш тантаналарида қатнашдим. Ўша бахтиёр лаҳзаларда ҳаёлимдан қадим аجدодларимиз томонидан бунёд этилган мухташам иморатлару, салобатли деворлар, сарою қасрлар, масжид мадрасалар, минораю карвонсаройлар ўтади. Уларни қуриш учун чекилган захматлар, машаққатлар ташвишларни ҳис қиларканман, бир эзгу фикр уйғонади: меъморлар меҳнати азал-азал эл эътибори ва эъзозида бўлган! Бу меҳнат халқимиз кўз ўнгида яхшилик ва гўзаллик тимсоли бўлиб гавдаланаверади.

Қадрдон колледжимизнинг ўттиз йиллик тўйи арафасида бу туйғулар яна бир бор қалбимда туғён урди, қўлимга қалам тутказди. Бобомерос касбу қор – меъмор қурувчилик, унинг қадим тарихию бугунги аҳволи тўғрисида ҳикоя қилишга ундади. Қадимги Хоразм илмий манбаларда қайд қилинишича Ўрта Осиёнинг Амударё этакларидаги қудратли давлати бўлган. Жуда қадим замонларданок (Қадимги Хоразм маданий тараққиёти неолит давридан – эрамиздан аввалги 4—6 минг йилликнинг бошлари) каналлар қазилиб, суғориш ишларининг авж олиши, турмуш тарзининг яхшилани боришига, тўкин-сочинликка, биробарин маданиятнинг гуллаб-яшнашига замин яратган. Қурилиш-меъморчилик жабҳасида улкан ўзгаришлар бўлганлиги археологларнинг илмий изланишлари хулосаларида қайд этилган. Жумладан, Ахмонийлар давлати томонидан илгари сурилган шаҳар қурилиши ўзига хос: Улар шаҳарни баланд деворлар билан ўраб олиш ҳар бурчакда минора ва дарвозалар бўлиши зарурлигини таъкидлаб, буни ўзлари амалда жорий қилдилар. Пировардида бу ғоя кейинчалик янада ривожлантирилиб, салобатли деворлар билан қуршаб олинган тўғри бурчак шаклидаги қудратли шаҳар-қальалар тикланишига олиб келган. Тарихнинг гувоҳлик беришича, ўша давр обидаларини, иморатларини яратган меъморлар, қурувчилар хандаса (геометрия) илмини чуқур билганлар. Қурилишда мутаносибликнинг турли услубларидан самарали фойдаланганлар.

Милоддан аввалги 1 минг йиллик ўрталаридан араб истилосигача ўтган давр мобайнида Хоразмда монументал меъморчилик тараққий топган. Жонбосқалъа, Қўйқирилган қалъа, Тупроққалъа қолдиқлари шуни кўрсатидики, хоразмлик меъморлар ва тасвирий санъат усталари ниҳоятда юксак дид ва маҳорат билан ишлаганлар. Хукмдорлар яшайдиган қароргоҳлар, саройлардаги ҳашамдор безаклар архитектура иншоотларига уйғун ҳолда ишланган.

Конец ознакомительного фрагмента.

Текст предоставлен ООО «ЛитРес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на ЛитРес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.